
“СОЛИҚЧИ - КЎМАКЧИ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА БАҒДОД ТУМАНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН

Таъкидлаш жоизки, айти кунларда Бағдод тумани солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлар билан турли очик мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2023 йил май ойи давомида Бағдод тумани солиқ инспекцияси томонидан 255 та тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 165 та тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идоралари ходимлари бундан буён ҳам, албатта, Президентимиз белгилаб берганларидек, тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида фаолиятимизни давом эттираимиз.

2023-06-09 18:49:46